



Ислом бутун гўзал сифатларини, юксак гоё ва яхши ниятни бутун ҳукмларида кадрлайди. Ҳазрати Мустафо соллоллоху алайхи васаллам шундай марҳамат қиладилар: "Ишлар ниятларга кўради. Кишига ёлғиз ният қилгани нарса бордир". (Бухорий).
Яъни яхши ният мувоҳаб бўлган ва одат холига келган нарсаларни Аллоҳ таолога итоат ва Аллоҳ таолога яқинлик даражасига кўтариши мумкин. Масалан, ҳаётни саклаш, вужудини қувватлантириш ёки Робби, миллати олдидаги вазифаларини ҳаққи билан адо этиш ниятида емак еган инсоннинг бу емаги ибодат ва Аллоҳ таолога яқинлик даражасидадир.

Шунингдек, ўз нафсини ва ахлини харомдан тиймок ёхуд фарзанд кўрмок ниятида жуфти билан шахватини татмин этган инсоннинг бу ҳолати ҳам мукофотга лойиқ марҳамат қилганлар: "Сизнинг шаръий уйланиш ҳаракатингиз садақа саналади.

Дедиларки:

- Ё Расулulloҳ! Ҳар қайси бир мўмин шахватини қондирса, бунда ҳам ажр борми?

Расули Акрам соллоллоху алайхи васаллам айтдиларки:

- У шахватини харомдан қондирса унга гуноҳ ёзилмайдими? (Албатта, гуноҳ ёзилади).

Шунга ўхшаш ҳалол йўл билан қондирган тақдирда ажр бордир". (Бухорий, Муслим).

"Тиланчиликдан қутулиш, оила аъзоларига инфоқ этиш ва қўшнисига ёрдам бериш учун дунё молини ҳалол йўлдан истаган инсон юзи ой қадар порлоқ бўлгани ҳолда Роббига қовушади". (Табароний).

Мўмин кишининг ҳар иши шундайдир: яхши ният унинг ҳар қандай яхши ишини ибодат даражасига юксалтиради. Харом эса бундай эмас. Харомни ишлаган кишининг нияти қанчалик яхши, гоёси нақадар олий бўлмасин харом яна харомдир. Ислом ҳар қандай юксак гоёга етишлик учун харомни восита ўлароқ қўллашни ҳеч бир суратда қабул қилмайди. Чунки Ислом гоёнинг ва қўлланган ҳар бир воситанинг шарафли ва пок бўлишига диққатни жалб қилади. Шунинг учун ҳам Ислом дини "Ният ҳар турли воситани тузатишга қифоядир" ёхуд "Ҳаққа эришмок учун ҳар турли ботил қўлланилиши мумкин" каби ботил ҳукмларни қатъиян рад этади. Зеро унга кўра, Ҳаққа фақатгина Ҳақ йўли билан борилади. Масалан: Бир масжид ва ё ҳар қандай бир хайр муассасаси бино этиш учун фоиздан, ўғрилиқдан, харом базмлардан, кимор ёхуд бошқа бир ҳазарли ишдан мол тўплаш кишининг бу яхши нияти ва юксак гоёси ҳеч қачон бу харомнинг гуноҳини ўзидан қетказма олмайди. Чунки гоё ва тушунчалар Исломда ҳеч қачон харомга таъсир қилмайди.

Расулulloх соллоллоху алайхи васалламнинг "Аллох гўзалдир, гўзалдан бошқасини кабул этмас" хадиси шарифлари бизни шунга ўргатади.

"Аллох таоло ўз пайгамбарларига амр этган нарсаларини мўминларга ҳам амр этгандир:

"Эй пайгамбарлар, халол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар килинглар! Албатта, Мен килаётган амалларингизни билгувчидирман". (Мўминлар сураси-51)

"Эй мўминлар, сизларга ризк килиб берганимизни - покиза нарсалардан енглар..." (Бакара сураси-172).

Пайгамбаримиз соллоллоху алайхи васаллам бу хусусда шундай дейдилар: "Бутун бир иштиёк билан хаж ва умра учун йўл азобларини чекиб келган бир инсонни тасаввур килинг. Кўлларини самога узатиб "Ё Роббим! деб ёлворгани холда егани харом, ичгани харом, кийгани харом ва хар турли озиги харом бўлган кишини тасаввур килинг. Бундай бир одамнинг дуоси қандай кабул бўлсин?" (Муслим, Термизий).

Бошқа бир хадисда шундай мархамат килинади: "Харомдан мол тўплаб садака килган инсон бу садакасида хеч бир ажр козона олмас. Устига устак гуноҳи ҳам бўйнида боқий колар". (Ибн Хазм, Ибн Хиббон ва Хақим).

"Харом йўл билан топилган молини садака килган хар кулнинг бу садакаси кабул бўлмайди. Ундан бир қисмини инфок этиб, бошқасини колдирган бўлса колган қисмида ҳам ўзи учун хайр йўқдир. Хаммасини ўзида колдирса, ўзини кун ўтган сайин оташга яқинлаштирган бўлади. Аллох таоло ёмонни ёмон билан эмас, ёмонки яхши билан кетказар. Шунга ўхшаш бир ёмонлик бошқа бир ёмонликни кетказмас". (Ахмад).

Юсуф Каразовийнинг "Ислолда халол ва харом" китобидан
Абу Муслим тайёрлади